Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган	№ 34 (65910) 1996 йил, 22 май, чоршанба	Сотувда эркин нархда

Яқинда пойтахтимизнинг миллий боғида Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Республика ва Тошкент шаҳар бўлими бошқарувлари билан биргаликда давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси раиси, профессор Ш. Темуров, «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири, шоира О. Ҳожиева, ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди. Қуйида оила қурки—меҳрибон оналаримизнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

БОЛА ХЎП ГАВРОН, ЎЗ ВАҚТИДА ЭГИБ ОЛ

ЯХШИЛИК УЧУН БЕРИЛАДИГАН МУКОФОТ

Эҳсон сўзининг луғавий маъноси чиройли амал қилмоқлик экан. Оллоҳ таолога гўё уни кўриб тургандек ибодат қилишинг, сен У зотни кўрмасанг-да, У зот шак-шубҳасиз сени кўриб тургувчидир, деб ишонишинг натижасида албатта ёмонликка йўл қўймайсан.

Маҳалламизнинг каттаю кичиги юқоридаги гапларга амал қилади, десам адашмайман. Улар ўзларига яхшиликни шиор қилиб олганлар. Кексаларимиз, айниқса болаларимига яхшилик уруғини сочишда ҳамиша бош-қош бўладилар. Фаолларимиз маҳалламиздаги 241 - ҳамда, 171 - мактаблар билан узвий боғланган. Маҳалла — милиция— мактаб ҳамкорлигида гап кўп экан. Айбни қилмасдан олдин, унинг оқибатини ўйлаш лозим. Ўзим милицияда кўп йиллар ишлаганман. Болалар олами, қизиқиш ва интилишлари менга яхши таниш. Маҳалламиздаги бирор бола шу вақтгача милицияга тушиб, хунук воқеа содир қилмаганига ҳам ана шу хамкорлик сабаб.

Ҳалима ая МАҲМУДОВА,
Мирзо Улуғбек тумани,
Йўлдош Охунбобоев номли 16-маҳалла қўмитаси раиси.

БОЗОР КЎРГАН БОЛА

Тунов куни бозорга бориб мактабдош дугонамни учратиб қолдим. Салом-аликдан сўнг, ёнида савдо қилиб турган 12—13 ёшли болага кўзим тушди.

— Менинг ўғлим, — мағрурланиб қўйди дугонам.

— Нечанчи синфда ўқийди?

— Қизиқсан-а, ўқиб нима қилади? Ҳарф танийдими, санашни биладими, бўлди-де. Бу фақат кундузи савдога чиқади.

— Нима, кечаси ҳам болалар савдо қиладими?

— Албатта, кечаси келсанг кўрасан, чой, кофе каби у бу нарса сотиб юришади.

Дугонамнинг гапларидан ҳайрон бўлиб, у билан хайрлашишни ҳам унутибман. Кундузи мактабдан бўшаганда ота-онасига қарашса майли-я, кечаси бозорга чиқиши нимаси болаларнинг? Тавба дейман, — ўзимча ,—бозорга шўнгиган ота-оналар бола тарбиясидан ҳам муҳимроқ нимани ўйлашяпти, ўзи?..

Дилбар СОИБЖОНОВА,
етти фарзанднинг онаси.

МУАММО КЎП, ЕЧИМИ КАМ

Бир қўшним ўғлини қидириб уйимга чиқиб қолди. Менинг набирам ҳам уйда йўқ эди. Буни қарангки, ўғлимнинг йўқлигини билиб қўшнижоним нима дейди денг: «Худога шукур, сизнинг болангиз билан бирга экан. Хавотир олмасам ҳам бўлади», — дейди. Унинг бу гапларидан ростини айтсам «бошим осмонга етди». Чунки фарзандларинг ҳақида чиройли сўзларни ўзинг эмас, балки кўзинг-кўзига тушиб турадиган, ҳар бир хатти-ҳаракатингдан хабардор бўлган қўни-қўшниларинг гапирса яна ҳам хурсанд бўлиб кетасан.

Болаларимнинг ҳаммаси оилали бўлишди. Невараларим бор. Илгари фарзандларимнинг ўқиши, тарбияси билан қизиқиб, мактабга тез-тез бориб турган бўлсам, ҳозир неварларимнинг мактабидан хабар олиб тураман. Тунов куни ўғлимнинг ўқитувчиси Ольга Ивановнани йўлда учратиб қолдим. У билан худди опа - сингилдек кўришдик. Ўғлимнинг ишлари, оиласи ҳақида сўради. Сўнг ҳозирги баъзи бир ота-оналар фарзандлари тарбияси билан мутлақо ишлари бўлмай қолаётганидан шикоят қилиб қолди.

Ўзимга ўзим савол бераман. Нега баъзи ота-оналар фарзандлари тақдирига совуққонлик билан қарашади? Кейинроқ ўзларига жабр бўлишини тушунармиканлар?. Чиндан ҳам ҳозирги кунда болалар тарбиясида муаммо кўп, бироқ ечими кам. Бундай давра суҳбатлари тез-тез бўлиб турса фойдадан холи бўлмасди.

Адолат ая БАҲРОМОВА
Хадра маҳалласи.

МЕН БАХТЛИ ОНАМАН

Худога шукур, 7 ўғил, 3 қизни тарбияладим. Барчаси олий маълумотли бўлишди. Отаси кўпинча иш билан овора бўлиб болалар тарбияси асосан менинг бўйнимда бўлди. Уларни ҳамиша тергадим, ўртоғини суриштирдим, қаерга кетаётгани, қаердан келаётгани, хуллас ҳаммасидан хабардор бўлдим. Ножўя иш қилганда уришдим, урдим ҳам, яхши ишларини қўлладим. Оқибатда бирортасининг орқасидан ёмон сўз эшитмадим. Набираларим ҳам ота-онасининг чизган чизигидан чиқишмайди. Менинг атрофимда улар ҳамиша парвона. Ҳозирги кунда уларнинг роҳатини кўриб юрган бахтли онаман.

Шарифа ая ҚОДИРОВА,
10 фарзанднинг онаси.

Санъат сеҳри

Меҳр унни қўшиқчи қилди

—Нега индамайсан, Қаҳрамон, ё дадангнинг қўшиқлари сенга ёқмайдими?

Бола менга ялт этиб қаради, алланарса демоқчидай оғиз жуфтлади. Кейин енгил хўрсиниб ерга қаради.

— Дадам қўшиқ айтсалар Қаҳрамон амаким, Инобат ойим ёдимга тушиб кетиб, йиғлагим келади.

— Ўғлимни дард, айрилиқ, онасига бўлган меҳр қўшиқчи қилди. Унинг қўшиқлари одамларнинг бир-бирининг қадрига етишга, умр ғаниматлиги, яхшиликлар қилиб қолишга шошишга чақиради. Муҳаббат, мурувват, Ватан олдидаги бурч унинг шеърларида, мусиқасида акс этиб туради, у билан фахрланаман,—дейди кекса муаллим Муминжон ота Зокиров. «Чорчаман» маҳалласидан бўлган Толибжон ҳам барча шаҳрихонлик болалар каби шўх, шодон яшар, ҳар тонг уйғонганда:«бунча ширин, гўзалсан, ҳаёт» дея қичқиргиси келар, боғдаги райҳону гулларни сийпалаб, тўйиб-тўйиб ҳидлар, шеърлар битар, акажони Қаҳрамон билан уни куйга солишарди. Қувончу-шодликка тўла кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Ана шундай кунларнинг бирида мудҳиш хабар келди: «Акаси Қаҳрамон йўл ҳалокати туфайли оламдан кўз юмибди».

Бу фожиа унинг онаси Инобат опани бир кунда сўлдирди. Оиланинг бошқа аъзолари каби Толибжонга ҳам жуда қийин эди. Бир томонда акасининг, яна бир томонда онасининг дарди...

«Онажон, илойим сизнинг умрингиз узоқ бўлсин-да...» дерди пичирлаб.

— Йўқ, тақдири азалдан қочиб қутилиб бўлмас экан. Кўп ўтмай она ҳам вафот этди.

— Ўғлим, деганди у ҳаётлигида, — аканг одамлар ардоғидаги қўшиқчи эди. Сен унинг торини олиб, менга билдирмай марсия айтганингни ҳам, тунлари уйқунг келмай, шеърлар битганингни ҳам, хуллас ҳаммасини биламан. Илойим акангни яшолмаган умрини-ю айтолмаган қўшиқларини сенга қўшиб берган бўлсин. Қўшиқларинг юрагимга мадор бўлди.

Орадан кунлар ўтди. Ёш Толибжон акаси Қаҳрамон билан биргаликда тузган «Дунё» гуруҳига раҳбарлик қила бошлади. Куй, қўшиқ шайдолари бўлган Ғолибжон ва Иқболжонлар ҳам унга қанот бўлишди.

— Онамнинг, акамнинг покиза руҳлари олдидаги фарзандлик ва укалик бурчим одамларга, ҳамюртларимга яхшилик қилиш, — дейди Толибжон Зокиров. Қўшиқчининг фарзанди Қаҳрамон бир оздан сўнг аввалги сўзларига яна шуларни қўшимча қилди: Қаҳрамон амакимнинг вафотидан сўнг, мен туғилган эканман. Руҳлари шод бўлсин, номи ўчмасин деб менинг исмимни Қаҳрамон қўйишган экан.

— Дадам раҳбарлик қилаётган «Дунё» гуруҳи бутун водийда машҳур. Вилоят ёшлар мукофоти совриндори. «Иқбол», «Қувноқлар ва зукколар», «Нафосат», «Ўйла, изла, топ» телекўрсатувларининг кўп бор иштирокчиси. Ҳозирги кунда дадажоним 1-июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига атаб янги қўшиқлар дастурини тайёрламоқдалар.Дадажонимни ҳар бир қўшиғини хилма-хил, яъни халқимиз қалбидан жой оладиган қилиб яратишда Улуғбек ака Саматов, қулғу устаси Ўткир акаларни ҳам меҳнатлари катта. Яқинда Иқбол амаким Ўзбекистон ойнаи жаҳонида намойиш этилган «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» кўрсатувида бош қаҳрамон Шоҳруҳ образини яратиб, ўз мухлисларига эга бўлди.

Боланинг кўзларида фахр учқунлари порларди.

Нилуфар Маҳмуджон қизи.

Суратда: «Дунё» гуруҳининг ёш хонандаси Иқбол ЗОКИРОВ.

ОЛАМНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ

БОБИЛ ДЕГАН ШАҲАРДА ОСМА БОҒ БЎЛГАН ЭКАН

Фрот ва Дажла дарёси оралиғига жойлашган Бобил (Вавилон ҳам дейишган) шаҳри ҳақида юнон олими Геродот ёзади. Бобил ўша замон шаҳарлари орасида гўзалларининг гўзали бўлган. Бобил подшосининг севикли хотини тоғли Мидия шаҳридан эди. У ўз юртини соғиниб хархаша қилаверганидан шоҳ сарой ёнидан боғ қурилишига жой ажратибди.

Тепаликда барпо этилган бу боғ тўрт қаватдан иборат бўлган. Бақувват, нақшинкор устунлар устига унумдор «замин» барпо этилган. Тупроқ остига сув ўтмаслиги учун цементга ўхшаш лой тўлдирилган, чий тўшалган, яна устидан ғишт терилган ва ниҳоят қўрғошин қуйилган. Унинг устидан унумдор дарахтларни ушлаб тура оладиган даражада қалин қилиб тупроқ қатлами ётқизилган. Боғнинг биринчи қаватидан иккинчисига кенг зиналар орқали чиқилган.

Боғ учун дарёнинг Мағриб Машриғидан энг нодир ва кўркам дарахт кўчатлари экилди.Фрот дарёсидан чархпалак орқали чиқарилган сув билан суғоришган. Тап-тақир жойда барпо этилган боғ, унинг анвойи дов-дарахтлари, хуш ҳавоси кишиларни лол қолдирарди. Боғнинг довруғи Искандар Зулқарнайнга ҳам етиб келди.

Бобилни ишғол қилган жаҳонгир унинг гўзаллигидан ҳайратга тушади. Шаҳарнинг саройи, айниқса муаллақ боғларидан лол қолиб, ўзининг пойтахти деб эълон қилади. Катта қўшин тўплаб Мисрга юриш қилишга тайёргарлик вақтида соғлиги ёмонлашади. Ҳаёти боғдаги қалин дарахтлар соясида поёнига етади.

Орадан асрлар ўтиб сув тошқини бўлади, муаллақ боғларни кўтариб турган устунлар қулайди, бутун иншоот чўкиб, ундан ном-нишон қолмайди.

ГАЛИКАРНАСДАГИ ШОҲ МАВСОЛ МАҚБАРАСИ

Галикарнас —қадимда Кичик Осиё соҳилида жойлашган юнон шаҳарларидан бири бўлиб, ўз замонасида ниҳоятда гўзаллиги билан машҳур эди. Оқ мармардан ишланган муҳташам қасрлар, театрлар, шоҳ саройи, боғлар, кенг кўчалар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Унинг довруғини оламга машҳур қилган шоҳ Мавсол мақбарасини кўрган кишилар уни оламнинг етти мўъжизасидан бири деб кўкларга кўтаришган. Мавсол маккор ва эҳтиёткор ҳукмдор бўлиб, ўз давлати Қурияга қўшни музофот ва ороллари қўшиб олар, уларни талар эди. Солиқ йиғиш эвазига катта бойлик ҳам орттирарди. Ана шу текин бойликлар эвазига шоҳ ўзига мақбара қуришни ихтиёр этади.

Усталар катта, тўғри тўрт бурчакли, узунлиги 77 метрга яқин, кенглиги 66 метр, баландлиги 46 метрли уч бўлинмадан иборат ажойиб иншоот лойиҳасини яратишади. Биринчи бўлинма оқ мармардан баланд қилиб ишланган зинали тагкурси бўлиб, унда Мавсол ва Артемсиянинг мақбараси жойлашади. Юқори қисми бинонинг тўрт томонини ўраб турувчи, мармардан ишланган бўртма шакллар билан безатилади. Бино юқорисидаги бўлинманинг атрофи қатор устунли бўлиб, бу ер илоҳий шоҳ ва унинг рафиқаси шарафига қурбонлик қилиш учун мўлжалланган. Бинонинг энг тепасига мармардан ишланган ҳайкал — тўрт от қўшилган икки ғилдиракли арава ўрнатилади. Бинонинг қуйи қисми атрофига шерлар ҳамда отларини елдириб бораётган суворийларнинг ҳайкаллари ўрнатилади. Шифтларни ички томондан ўн бешта устун кўтариб туради.

Мақбара қуриб битказилмасдан шоҳ Мавсол, сал кейин малика Артемсия оламдан ўтишди. Уларнинг мармардан ясалган тобутлари биринчи қаватнинг хилма-хил рангли мармар билан безатилган залига қўйилди.

Македония шоҳи Александр форслар устидан ғалаба қозонганидан кейин унинг қўшинлари Галикарнасни аёвсиз талади, бироқ мақбара омон қолди. У XV асрга қадар, ҳатто шаҳарда ҳаётдан ном нишон қолмаган даврларда ҳам савлат тўкиб турди. Тез-тез бўлиб турадиган зилзилаларга ҳам бардош берди.

Қадрли табиатсеварлар! Олдинда ёз. Кўпчилигингиз соя-салқин гўшалар, мевазор боғлар, бепоён далалар қўйнида бўласиз. Баъзиларингиз эса ўқувчилар саройида, ёш табиатшунослар тўгаракларида ўсимликлар дунёси сирларини ўрганасиз. Ораларингизда ватанимиз экологияси софлиги учун курашадиган болалар ҳам топилади. Шундай экан, таътил кунлари табиат қўйнида кўрган,билган ҳаяжонли воқеа ва ҳодисаларингизни бизга ёзиб юборсангиз, улардан «Нилуфар»нинг келгуси саҳифаларида фойдаланамиз.



ЎШОРИМИЗ МУСАФФО ЭДИ...

Мен ҳушманзара Ўшорида яшайман. У Сурхондарё вилояти, Денов туманининг энг чекка тоғ қишлоқларидан бири. Қуёш худди Боботоғдан чиқиб Хисор тизмасидаги Хўжабиркўҳ зиёратгоҳининг орқа томонига ботгандек кўринади. Бу ерда бир қанча булоқлар бўлиб, қишлоқ аҳолиси шу мусаффо сувлардан истеъмол қиладилар. Ҳа, бир вақтлар бу жойнинг табиатига ҳавас қилса арзирди.

Лекин қўшни Тожикистон республикасининг Турсунзода шаҳри биқинида алюминий заводи қад кўтарди-ю вилоятимизнинг бир қанча қишлоқлари қатори бу ерлар ҳам заҳарлана бошлади.

Заводдан бурқсаган тутун Сариосиё, Узун ва Денов тумани қишлоқларининг табиатини ўзгартирди. Урик, шафтоли, олхўри каби мевали дарахтлардан, помидор ва бошқа сабзавотлардан ҳосил ололмаяпмиз.Демак, мева-чевага таъсир қилган заҳар инсонга ҳам ўз кароматини кўрсатмай қолмайди. Менинг ушбу мактубни ёзишдан мақсадим, мустақиллигимиз шарофати билан гўзал қишлоқларимиз аввалги мусаффо ҳолатига қайтишига умидим катталигини айтиш.Биргалашиб ўйлаш, биргалашиб муаммоларни ҳал қилиш пайти келди.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги В.Қодиров номли мактаб ўқувчиси.

Бўш вақтларда

АЙИҚПОЛВОН ТЎҚИГАН САВАТ

Ўшанда бешинчи синфда ўқирдим. Ўзимдан бир ёш катта амаким билан тоққа саёҳат режасини туздик. Қишлоғимиз тепасидан бошланувчи илонизи сўқмоқдан тахминан 25 чақирим йўл босганимиздан сўнг, Қоратошга етиб бордик. Эрта тонгни биз шу ердаги «Хонсупа» деб аталувчи жойда кутиб олдик. Қишлоғимизнинг ҳусни жамоли баландликдан янада гўзал кўринар экан. Мириқиб томоша қилдик. Сўнг олисдан кўриниб турган «Само-Амир» чўққилари томон жўнаб кетдик. Тепаликка қараб беш чақирим йўл босгач, қуюқ арчазор қоплаган чўққи остига етиб келдик. Бирдан кўзимиз яққол кўзга ташланиб турган иккита баҳайбат тут дарахтларига тушди. Бир-биримизга ажабланиб қарадик. Сўнг хилхил пишиб ётган тут шохига тирмашдик. Бир оздан сўнг амаким аста шивирлади: «Ҳе, буни қара!» У тутнинг қалин новдаларидан бирлаштириб сават шаклида тўқилган жойларга имо қилди.

— Нимасига ҳайрон бўласан, бизга ўхшаган бекорчилардан бирортаси сават ясагандир-да, — дедим овозимни баландлатиб.

У жавоб ўрнига ранги-қути учиб ён тарафга ишора қилди.

Қарадим. Биз тарафга баланд-паст буталар оралаб айиқ боласи келарди.

— Кетдик, бу ердан тезроқ кетмасак бўлмайди. Она айиқ

Тоғ саргузаштлари

борга ўхшайди, — деди амаким ерга сакрар экан.

Иккимиз юкларимизни кўтарганча қаршимиздаги тепалик томон қочдик. Бехавотир қояга бир амаллаб чиқиб олганимиздан кейин. «Хайриятсей, омадимиз бор экан, қутулиб қолдик»,— деди амаким ховлиқиб. Энди бу ерда туриш хавфли, чўққини ён томонига ўтиб олсайдик!»

У кетишни таклиф қилар, мен эса ҳеч қаерга жилгим келмасди.

— Менимча, бояги тут шохидаги саватларни Айиқполвон тўқиган, — деди у бирдагина жимликни бузиб. — Ана, қара, она айиқ болалари билан тут тагида! — ҳаяжон билан қўшимча қилди.

Ростдан ҳам улкан гавдали, қўнғир айиқ худди одам сингари тут танасини қучоқлаб, чирмашиб чиқиб олди.

Бирдан томдан тараша тушгандай бир тўда итларнинг шанғиллаган овози эшитилиб қолди. Биз овозимизни баралла қўйиб қичқирдик. Бир эмас бешта ит тепаликдан қуюндек айиқлар томон ёпирилишди. Она айиқ тутдан лапанглаб тушди-да, итларни ҳар томонга чирпирак қилиб отиб юборди. Энди бўлса кўппакларнинг олис-олисдан вовиллаб қочиб бораётган овози эшитиларди. Шу пайт қасир-қусур ўқ овози эшитилди. Айиқ болалари билан тум-тарақай қочди.

Самад ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани.

«ЎСИМЛИКЛАР» тонқирлик машқи



ЖАВОБЛАР ЁЙЛАР БЎЙИЧА МАРКАЗ ТОМОН ЁЗИЛАДИ

1.Кузда пишадиган қуруқ мева. 2. Тик ўсувчи, пўсти оқ шимол дарахти. 3. Бошоқли ғалла экини. 4. Умрбоқий серсоя дарахт. 5. Ғўза экини уруғи. 6. Поясидан тола, уруғидан ёғ олинадиган ўсимлик. 7. Дони яшил, ҳосили шифобахш жануб ўсимлиги. 8. Тўқай ўсимлиги. 9. Қуритилган узум. 10. Эртапишар данакли ҳўл мева. 11. Зиравор сифатида ишлатиладиган хушбўй дарахт. 12. Мағзи сермой, кечпишар қуруқ мева. 13. Полиз экини тури. 14. Серуруғ, ширадор мевали, шапалоқ баргли дарахт.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Тўртинчи кўриниш.

Ҳарбий комиссариат Тўйчига фронтга кетиш учун декабрь ойида рухсат берди. Саҳна декорациясида Смердина ўрмонлари кўзга ташланади. Саҳнадаги душман ДЗОТи «тилга киради». Уни йўқ қилиш учун эмаклаб кетаётган олти жангчининг бири аллақачон душман ўқига учган. Тўйчи Эрйигитов ва унинг қуролдош дўстлари душман ДЗОТи томон эмаклашда давом этадилар. Душман ўқидан Александр Снопко ва Сергей Мелькумовлар ҳам яраланишади.

С. Мелькумов: — Хм.. еди-я.

А. Снопко: — Сережа, сенга нима бўлди?

С. Мелькумов: — Менга ҳам ўқ тегди.

Тўйчи: — Ҳа, лаънати фриц. ДЗОТдан туриб бутун ротани қириб юборди-я. Бунақада ҳеч ким қолмайди-ку.

А. Снопко: — (Аҳволи оғирлашиб зўрға гапиради) Ҳа, Тўйчи. Кўп одамларимиз нобуд бўлди. Аммо мен бир нарсага қаттиқ ишонаман. Бугунги қурбонлар учун улар жавоб берадилар. Шундай кун албатта келади.

С. Мелькумов: — (Унинг ҳам аҳволи оғир, зўрға гапиради). —Тўйчи, Жўра, Рузивой дўстларим. ДЗОТни йўқотиш жуда-жуда зарур. Бироқ Алёша икковимизнинг ишимиз юришмади, омад биздан юз ўгирди. Энди ҳамма умидимиз сиздан. Эҳтиёт бўлинглар дўстларим.

Александр: — Худо сизларга ёр бўлсин.

Тўйчи: — Раҳмат дўстларим, кўп гапирманглар, қон кўп кетиб қолади. Фақат ҳеч биримизда граната қолмагани чатоқ бўлди-да. Майли ҳечқиси йўқ. Уч кишилашиб амаллаймиз, шундайми дўстларим?

Жўра ва Рузивой: — (баравар) Албатта.

Тўйчи: — Қанийди айтганинг келса. Дўстларим, энди қандай бўлмасин ДЗОТга етиб боришимиз шарт. Акс ҳолда ротамиздан ном нишон ҳам қолмайди. Ҳаммамиз биргаликда бормайлик, тез кўзга ташланиб қоламиз. Жўравой мендан олдин, ўнг томондан Рузивой, мен тўғридан бораман.

Жўра: — Хўп Тўйчи ака, фақат ўзингизни эҳтиёт қилинг, мабодо менга бирон кор-хол бўлса, уйимга ёзиб юборинг, хўпми?

Тўйчи: Ёмон ният қилма. Қани бошла, паналаб бор.

Жўра: — Хўп-хўп. (Эмаклаб кетади).

Тўйчи: — Қани Рузивой, сен бу томондан кетдинг (Рузивой ҳам эмаклаб кета бошлайди. Бироқ Жўра душман ўқидан ҳалок бўлади. Тўйчи Жўранинг олдига эмаклаб келади-да, унинг очиқ қолган кўзини қўли билан силаб юмади (Лаънати фашист, Жўрани ҳам ўз домингга тортдинг. Энди навбат менгами? (Шу пайт душман ўқи Тўйчини ҳам яралайди). Хмм...

Рузивой: — Тўйчи ака!!

Тўйчи:— (Бор кучи билан бақириб гапиради) Рузивой, буюраман, жойингдан қимирлама, агар мен етиб боролмасам, сен борасан. Тушундингми? Бу буйруқ. Ёт! (Рузивой ноилож буйруқни бажаради. Тўйчининг кучи келмай паст овозда гапиради). Ҳозирча тирикман, ўзим бораман. (Эмаклай бошлайди). Йўқ, йўқ. Мени ўлдиролмайсан. Мен осонликча жон берадиганлардан эмасман. Чунки мен Эрйигит ўғлиман! Сени йўқ қилмай туриб ўлишга ҳаққим йўқ! Бу ер ҳам менинг Ватаним. Ватаним учун, халқим учун қасос олмагунча қўймайман. (ДЗОТ томон эмаклай бошлайди. ДЗОТга етгач) Алвидо онажон, алвидо Ватан! (Ўзини ДЗОТ устига ташлайди.

Рузивой: — (Бор овози билан) Тўйчи ака!!!

Парда бир зумга беркилади. Парда остидан қуролдош дўстларининг «Олга» деб ҳужумга ташланганликлари эшитилади.

Парда очилади. ДЗОТ ичидагилар яксон қилинган. ДЗОТнинг олдида Тўйчининг қонга беланган гавдасини Рузивой қўлига олиб, чўккалаб ўтирибди.

Тўйчи: — Р...Рузи....вой, тепа... олиндими?

Рузивой: — Гапирманг Тўйчи ака, гапирманг. Тепа олинди, Душман яксон қилинди. Сизнинг қонга бўялган кийимларингиз, мисоли қизил байроқ, ҳаммани жангга чорлади. (йиглайди)

Тўйчи: — Раҳ...мат, оҳ, онажон...Тушинг тўғри чиқди, Б..бар..но..хон, (Жон беради).

Рузивой: — Тўйчи ака!! (Мунгли куй янграйди) Тўйчини қўлига олиб тик туриб гапиради. (Эй, инсонлар, мана кўринглар, Эрйигитнинг ўғлини. У ҳозиргина қўлимизда қирмизи қонли байроқ эди, энди эса мангу оловга айланди.

Бу олов асрлар давомида ўчмай, нияти пок, тинчликсевар кишиларни тинчликнинг қадрига етишга даъват этиб туради. Тўйчининг руҳи ҳамиша биз билан бирга яшайди.

ПАРДА

Бешинчи кўриниш.

1974 йилнинг баҳор ойи. Радиокарнайдан «Най навоси» эшитилади. Куй пасайгач парда очилади. Яна ўша Хайриниса холанинг уйи. Хайриниса хола қизи Аширбиби билан кўрпа қавиб ўтирибди. Анча кексайиб қолган. Кўзида кўзойнак. Шу пайт эшик тақиллайди.

Хайриниса хола: — Қарачи қизим, ким экан. (Аширбиби чиқиб, харбий кийимдаги майор Собиржонов билан бирга киради.)

Собиржонов: — Ассалому алайкум Хайриниса хола.

Хайриниса хола: — Вой, кел болам, тинчликми, ўғлим Абдуллажондан хабар бўлдими?

Собиржонов: — Йўқ, холажон. Абдуллажон акамдан хамон дарак йўқ. Ноумид шайтон, балки келиб қолар. Бугун мен сизнинг олдингизга бошқа иш билан келганман.

Хайрулла ИНОҒОМОВ

Хайриниса хола: — Хўш, хўш. Қандай иш экан?

Собиржонов: — Яқинда биз сизнинг номингизга Ленинград вилоятидаги Тосно шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитетидан немис-фашистлар устидан қозонилган буюк ғалабанинг 29 йиллиги муносабати билан табрикнома олдик. Шу табрикномани топшириш менга буюрилган. Агар рухсат бersангиз, ўқиб бераман.

Хайриниса хола: — Майли, майли, ўқий қол болам.

Собиржонов: —(Ўзининг шахсий папкасидан табрикномани олиб, ўзбек тилидаги таржимаси билан ўқиб беради. «Ҳурматли Хайриниса Эрйигитова. Уруш йилларида Тосно ерларида шафқатсиз ва қонли жанглар бўлган. Ватанимизнинг минглаб ўғил-қизлари Тосно ерлари учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Шуларнинг орасида сизнинг ўғлингиз Тўйчи Эрйигитов ҳам бор эди. Бугун биз сиз билан биргаликда бу жудоликка куйинамиз. Унинг қони бекорга тўкилгани йўқ деймиз.Тоснолик ёш авлод вакиллари бизнинг озодлигимиз, мустақиллигимиз ва ор-номусимиз учун курашган қаҳрамонларни унутмасликларига ишонинг. Сизни буюк ғалабанинг 29 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод қиламиз. Ғалаба байрамингиз муборак бўлсин! Сизга соғлик-саломатлик тилаб қоламиз. Ўғлингиз қабрини зиёрат қилиб кетишингиз учун Сизни лутфан таклиф қиламиз.

Тосно шаҳар партия комитети.

Шаҳар ижроия комитети.

Май, 1974 йил.

Собиржонов: Табриклайман холажон!

Хайриниса хола: — Раҳмат, раҳмат. Хай менга қара, мени таклиф қилишяптими-а?

Собиржонов: — Бўлмасам-чи холажон, таклиф қилишган.

Хайриниса хола: Худога шукр! Нолам Оллоҳга етибди. Ўғлимнинг қабрини бир зиёрат қилиб ўлсам, армоним қолмас эди, деб орзу қилардим.

Собиржонов: — Холажон, орзуингиз ушалди деяверинг. Худо ҳоҳласа ёзда Булоқдан, Шайдондан ва Бешариқдан кўпчилик бўлиб бориб, ўғлингиз қабрини зиёрат қилиб, ундан тупроқ ҳам олиб келамиз. Қишлоғимиз тупроғидан эса ўғлингиз қабрига олиб борамиз.

Хайриниса хола: — Раҳмат болам, жуда ҳам хурсанд қилдинг. (Эшик тақиллайди) Тожиқиз, қарачи, яна ким келдийкин. (Тожиқиз чиқиб, қайтиб киради.)

Тожиқиз: — Бувижон, сизни кўргани мактаб ўқувчилари келишипти.

Хайриниса хола: — Вой чақир, қизим, чақир киришсин. (Тожиқиз чиқиб, ўқувчилар билан бирга киради.)

Биринчи ўқувчи: — Ассалому алайкум, мумкинми бувижон?

Хайриниса хола: — Вой бувигинанг ўргилсин, келинглар болаларим, келинглар.

Иккинчи ўқувчи: — Бувижон, биз сизни ғалаба

Мактаб саҳнаси учун

байрами билан мактабимизнинг барча ўқувчилари номидан табриклагани келдик.

Ҳамма ўқувчилар: — Байрамингиз муборак бўлсин! (Хайриниса холага гулдаста тақдим этишади)

Хайриниса хола: — Раҳмат болаларим, сизларга ҳам байрам муборак бўлсин!

Ҳамма ўқувчилар: — Раҳмат, бувижон!

Биринчи ўқувчи: — Биласизми, бувижон, бизнинг синф ўқувчилари ўғлингиз, қаҳрамон Тўйчи Эрйигитовнинг расмини чизиб, эсдалик учун Сизга бериб юборишди.

Хайриниса хола: — Қани, қани? Ўқувчилар Тўйчи Эрйигитов расмини Хайриниса холага кўрсатишади. (Онагинанг ўргулсин, болам! (Расмни ўпади). Боламни кўргандек бўлдим. Жудаям ўхшатибсизлар-а. Худоё қўлларинг дард кўрмасин. Умрингиздан барака топинглар. Раҳмат болаларим, раҳмат. (Тожиқиз расмни тўрга илиб қўяди.)

Иккинчи ўқувчи: — Бувижон, бизга юмушингиз йўқми?

Хайриниса хола: — Азиз болаларим, юмушим йўқ. Сизларга қандай қилиб, миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолдим. Мени, ўғлимни, урушда ҳалок бўлганларни, қўйингки, ҳеч кимни унутмабсизлар. Илоё биз кўрган кунларни, урушларни сизлар кўрманглар, урушнинг номи учсин! Бахтли бўлинглар!

Ҳамма ўқувчилар: — Раҳмат бувижон!

ПАРДА

Олтинчи кўриниш.

1975 йилнинг ёзи.

Ленинград вилоятининг Любан қишлоғи. Қаҳрамон Тўйчи Эрйигитовга унинг исми ўйиб ёзилган ёдгорлик ўрнатилган. Бу ерга немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган буюк ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан таклиф этилган ўзбекистонлик ва тожикистонлик меҳмонлар келишган. Улар орасида Тўйчининг онаси Хайриниса хола, синглиси Аширбиби ва жияни (Аширбибининг қизи) Тожиқизлар ҳам бор.

Парда очилади. Саҳнада Тўйчига қўйилган ёдгорлик кўзга ташланади. Любанлик пионерлар ёдгорликнинг икки ёнида фахрий постда туришибди. Хайриниса хола қизи Аширбиби ва невараси Тожиқиз билан Тўйчи қабри томон келишмоқда. Хайриниса хола ёдгорлик пойига етиб келгач, Тўйчининг қабрини қучоқлаб йиглайди. Аширбиби «Акажон» деб, Тожиқиз «Тоғажон», — деб йиглашади.

Парда очилади.

Хайриниса хола: — Болаларим! Ватанни севинг, чунки бизда «Ватанни севмоқ — иймондандур», — деган нақл бор. Бунинг маъноси шуки, иймонли-эътиқодли инсонларгина Ватанни чин дилдан севади. Тинчликнинг қадрига етинг. Дастурхонимизнинг тўкинлигини, осмонимизнинг мусаффолиги, уйқумизнинг осойишталиги, буларнинг ҳаммаси тинчликдандир. Тинчлик миллионлар қони эвазига эришилган катта неъматдир. Доимо қалб амрингиз билан иш тутинг.. Қалбингиз пок, осмонимиз тинч, танингиз соғ бўлсин! Урушнинг номи учсин! Ҳеч қачон уруш бўлмасин!

ПАРДА



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0257.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй